

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА СИЁСІЙ ДЕЗИНФОРМАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Саидов С. -

Сиёсий фанлар доктори (DSc), доцент,

Маҳаммадалиев А. -

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул ходими,

мустақил изланувчи

Охирги ўн йилликда дунёнинг сиёсий маназараси кескин ўзгарди. Бунинг асосий сабабларидан сифатида айнан ахборотлар қўламининг кенг ёйилиши, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларига ахборотнинг таъсири даражасининг кескин таъсири кучайди. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий, айниқса, сиёсий муносабатларида ахборотнинг турли шакллари асосий мулоқот мезонига айланиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилар экан, ижтимоий тармоқлар ахборотга тегишли бўлган муҳим категориялар орқали давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларга жиддий сиёсий таъсир платформаси бўлиб қолаётганлигидан бежизга қайғурмаяптилар [1].

Дезинформациянинг энг кўзга ташланувчи кўринишларидан бири – “фейк” маълумотлар ҳисобланади. Ушбу кўринишдаги маълумотларни асосий мақсади инсонларнинг сиёсий, ижтимоий онгига таъсир қилиш орқали уларни бошқариш, уларга тегишли бўлган имкониятларни тортиб олишга қаратилганлиги билан хавфли кўринишга эга. Фақатгина 2020 йилнинг ўзида дунё бўйича 3,5 млндан ортиқ фейк маълумотлар тарқатилган, уларнинг аксарияти сиёсий жараёнларга таъсир қилиш, уларни бошқа йўналишларга буриб юбориш билан боғлиқ бўлган.

Сиёсий нуқтаи назардан дезинформация аввало ички сиёсат, айниқса, халқаро муносабатларда муҳим сиёсий категориялардан бирига айланиб қолмоқда. Давлатларнинг асосий таъсир механизми сифатида унинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу билан бирга, дезинформация аҳоли ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг муҳим сиёсий технологияси эканлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Сиёсий нуқтаи назардан дезинформация аввало ички сиёсат, айниқса, халқаро муносабатларда муҳим сиёсий категориялардан бирига айланиб қолмоқда. Давлатларнинг асосий таъсир механизми сифатида унинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу билан бирга, дезинформация аҳоли ва жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг муҳим сиёсий технологияси эканлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу жараённинг кенгроқ моҳиятини қуйидаги омиллар орқали изоҳлаш мумкин:

1. Гибрид урушлар ва “Ўтқир куч” (Sharp Power) қуроли сифатида

Бугунги кунда дезинформация нафақат ташвиқот, балки замонавий “гибрид урушлар”нинг асосий қуроли ҳисобланади. Давлатлар бир-бирига қарши тўғридан-тўғри ҳарбий куч ишлатмасдан, ахборот хуружлари орқали рақиб давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлигига путур етказишга ҳаракат қилмоқда. Бу стратегия авторитар ва йирик давлатларнинг бошқа мамлакатлар ички сиёсатига манипулятив аралашувини англатувчи “ўтқир куч” концепцияси билан ҳам изоҳланади.

2. Ички сиёсатда қутблашув ва ишончсизликни келтириб чиқариш

Дезинформациянинг энг хавфли сиёсий оқибатларидан бири — жамиятни сунъий равишда радикал гуруҳларга ажратиш (қутблашув) ҳисобланади. Сиёсий технология сифатида у қуйидаги мақсадларга хизмат қилади:

Фуқароларнинг давлат институтларига ва анъанавий оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини сўндириш;

Сайлов жараёнларига аралашуш ва электорат кайфиятини муайян сиёсий кучлар фойдасига ўзгартириш;

Жамият ичида сунъий ваҳима, норозилик ва ижтимоий низоларни келтириб чиқариш;

3. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг ўрни

Замонавий босқичда дезинформациянинг таъсир кучи мисли қўрилмаган даражага чиқди. Бунга асосий сабаблар:

Ижтимоий тармоқлар алгоритмлари: Улар одамларни ўзларига ёқадиган ва фикрларини тасдиқлайдиган “ахборот пуфаклари” (echo chambers) ичига қамаб қўяди.

Сунъий интеллект ва дипфейк (Deepfake): Овоз ва видеоларни қалбакилаштириш орқали сиёсий лидерлар номидан ёлғон баёнотлар тарқатиш имконияти пайдо бўлди.

Ботлар ва троллар фабрикаси: Ижтимоий фикрни сунъий равишда шакллантириш ва ёлғон хабарларни миллионлаб инсонларга сониялар ичида тарқатиш хизматини бажармоқда.

4. Миллий хавфсизлик ва унга қарши кураш стратегияси

Дезинформациянинг давлатлараро миқёсда сиёсий воситага айланиши ҳар бир мамлакатдан янгича ҳимоя механизмларини талаб қилмоқда. Бунинг учун давлатлар ўз стратегик коммуникацияларини ривожлантириши, миллий ахборот маконини ҳимоя қилиши, фактчекинг (фактларни текшириш) тизимларини қўллаб-қувватлаши ва энг асосийси – аҳолининг медиа ва ахборот саводхонлигини ошириши ҳаётий заруратга айланган.

“Дипфейк”, “тролл фабрикаси”, “ботферма” каби ахборот технологияларига хос бўлган тушунчалар дезинформациянинг асосий қуролига айланиб улгурди. Айниқса, мамлакатларда ўтказилаётган сайловларга таъсир кўрсатиш, уларнинг натижаларини ўзгартириш ва шу билан бирга, бу орқали давлатнинг сиёсий муносабатларига таъсир кўрсатиш авжига чиқди.

“Facebook” и “Twitter” каби ижтимоий тармоқлар бу борада дезинформациянинг асосий платформасига айланди. “Лиза иши” номли воқеа 2016 йилда ҳақиқий маънода дезинформация сиёсий таъсири кучини, шу билан бирга, давлатларнинг халқаро муносабатларига жиддий хавф солишини яна бир бор исботлади. Чунки, инвесторлар, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий алоқалар қилишдан аввало ушбу мамлакатнинг айнан ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги аҳолининг муносабатини, унга бўлган изоҳларни (комментарийлар) таҳлил қилиш орқали ёндаши ҳақиқий маънода сиёсий урфга айланиб бормоқда.

Дезинформациянинг энг муҳим сиёсий аҳамияти бу аниқ кўзланган мақсадга қаратилганлиги, маълумотларни тайёр ҳолга келтирилганлиги билан сиёсий аҳамиятга эгадир.

Зеро, дезинформациянинг асосий кучи – ижтимоий тармоқлар ҳисобланади. Шу билан бирга, Европа Комиссиясининг таҳлилларига кўра, айнан қитъадаги давлатлар ва аҳоли дезинформациянинг демократия учун энг хавфли феноменлардан бири ҳисоблашган [3]. Сиёсий таҳлилларда дезинформация сиёсий манипуляциянинг энг кенг тарқалган кўринишларидан бири сифатида талқин этилиши ҳам ана шунда намоён бўлади.

Шу боис, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида дезинформация ва унинг турли кўринишга қарши курашиш долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Чунки, дезинформация халқаро муносабатларда сиёсий кескинлашувга олиб келиши кенг оммалашмоқда, бу эса давлат ва жамиятларнинг сиёсий муносабатларига ҳам жиддий зарба сифатида баҳоланмоқда.

Сиёсий вазият ва халқаро муносабатлар таранглашиши кузатилмоқда бу эса айнан дезинформациянинг асосий воситаси сифатида қўллаш амалиётга айланиб бориши билан изоҳланади. Германияда ижтимоий тармоқларни тартибга солиш бўйича алоҳида қонунчилик бўлиб (NetzDG) [4], унга кўра ижтимоий тармоқларда асосли бўлмаган маълумотлар ва ахборотларни ўчириб ташлаш, унинг салбий таъсирини ҳуқуқий баҳолашни назарда тутди. Фикримизча, дезинформация бугун сиёсий қурол сифатида мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларидан кўра, унинг ҳуқуқий ва сиёсий ривожланиш тенденцияларига таъсири кўпроқ ва самаралироқ кўринишга эга бўлиб бормоқда.

Францияда айнан ҳар қандай турдаги фейк маълумотлар давлат провайдерлари томонидан ёпиш (блокировка) белгиланиб қўйилган. Аммо ахборотларни доимий чеклаш ва

уларни назорат қилишнинг ягона принциплари шаклланмаган, буни ҳар бир мамлакат ўзининг сиёсий тизими ва сиёсий муносабатларига мос равишда шакллантиради.

Сингапурда ушбу турдаги маълумотлар “онлайн-ёлғон ахборот” сифатида талқин этилади ва давлатнинг ижтимоий тармоқлардаги иштирокини аниқ белгилаб қўйилганлиги билан алоҳида аҳмиятга эга бўлган механизмлардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дезинформациянинг сиёсий жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилган илмий ёндашувларнинг сони ва сифат жиҳатдан камлиги доимий равишда ушбу муаммони илмий, сиёсий таҳлил қилишга бўлган эҳтиёжни шакллантиради.

Аслини олганда дезинформация Ғарб мамлакатларида энг охириги сиёсий усул сифатида қўлланилиши назарда тутилсада, аммо амалиётда уни домий қўллаш ва ишлатиш кўзга ташланмоқда. Чунки, уни тайёрлашдан кўра, тарқатишда қулайроқ ҳисобланади.

Сиёсий муносабатларда дезинформациянинг қўллаш имкониятларини аниқлашнинг имкони йўқ. Шу боис унга хос бўлган жараёнларни доимий ўрганиш, амалиётдаги тенденцияларни сиёсий таҳлил қилишга доимий эътиёж бор. Дезинформациянинг ўрнига, сиёсий аҳамиятга эга ҳисобланган “пост ҳақиқат” каби термин ишлатилмоқда. Дезинформацияни сиёсий жараёнларда бежизга “қора ташвиқот” сифатида баҳоланмайди.

Ахборотларни керакли манзилга етказиш, унинг таъсири даражасини ошириш ва янги маълумотларни қўллаш дезинформацияга қарши туришнинг муҳим ва асосий механизмларидан биридир. Халқаро муносабатлар бугун айнан ахборотлар эвазига таранглашмоқда. Биргина маълумот тарзидаги ахборотнинг ўзи бир давлатни иккинчи давлат билан йиллар давомидаги муносабатларини бузилишига олиб келмоқда.

Жамоатчилик фикри сиёсий фанларнинг доимий тадқиқ қилинадиган мавзуларидан бири саналади. Шу боис, у дезинформация фейк хабарларнинг асосий объектига айланиб бормоқда. Чунки, ахборот биринчи навбатда давлатни нишонга олади, шу орқали жамоатчиликка таъсир қилади. Сиёсий мақсадларда ижтимоий фикрга ва жамоатчилик фикрига таъсир қилиш муҳим сиёсий тенденцияга айланиб бориши билан бир қаторда, у асосий воситага айланаётганлиги дунёдаги охириги ўн йилликдаги воқеалар ривожини мисолида қўришимиз мумкин. Дезинформацияни олдини олишда янги атамалар пайдо бўлмоқда. Хусусан, “экс ахборот” тушунчаси бунга яққол мисол бўлиб, маълумотларга яна қўшимча, аниқ ва керакли тарзда қўшимчалар бериш тушунилади.

Глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологияларининг мисли қўрилмаган даражада ривожланиши сиёсий майдондаги кураш усуллари тубдан ўзгартирди. Сиёсий фанларда дезинформация шунчаки ёлғон хабар тарқатиш эмас, балки стратегик мақсадларга эришиш учун йўналтирилган, тизимли ва режалаштирилган ахборот хуружи сифатида талқин этилади. Жозеф Най томонидан илгари сурилган “юмшоқ куч” (soft power) концепцияси ўрнини бугунги кунда “ўткир куч” (sharp power) эгалламоқда. Ўткир кучнинг асосий қуроли эса айнан дезинформациядир.

Дезинформация жамиятни қутблашга (поляризация), ижтимоий гуруҳлар ўртасида низо келтириб чиқаришга ва давлат институтларига нисбатан ишончсизликни шакллантиришга хизмат қилади. У орқали сиёсий элиталар ёки оппозицион кучлар ўзларининг сиёсий легитимлигини оширишга ҳаракат қиладилар.

Халқаро аренада дезинформация “гибрид урушлар”нинг ажралмас қисмига айланган. У геосиёсий рақибни ҳарбий аралашувсиз заифлаштириш, унинг халқаро имижини бузиш ва иттифоқчилари билан муносабатларига раҳна солиш учун ишлатилади. Дезинформацион кампаниялар чегара билмайди ва рақиб давлатнинг ахборот маконига осонлик билан кириб боради.

Бугунги кунда “дипфейк”, “тролл фабрикаси”, “ботферма” каби ахборот технологияларига хос бўлган тушунчалар дезинформациянинг асосий қуролига айланиб улгурди. Сунъий интеллектнинг ривожланиши бу воситаларнинг таъсир кучини юз чандон оширди.

Ботфермалар (Bot farms): Булар ижтимоий тармоқлардаги минглаб, баъзан миллионлаб сохта аккаунтларни автоматик бошқарувчи тизимлардир. Ботфермалар муайян

сиёсий воқеага нисбатан сунъий жамоатчилик фикрини (сунъий консенсус) яратиш учун хизмат қилади. Улар бирор хабарни оммавий равишда бўлишиш, ёқтириш (лайк босиш) орқали алгоритмларни манипуляция қилади ва ёлғон хабарни “тренд”га олиб чиқади.

Тролл фабрикалари (Troll factories): Ботлардан фарқли ўлароқ, троллар ортида реал инсонлар туради. Уларнинг мақсади мунозараларни издан чиқариш, оппонентларни ҳақорат қилиш, ҳиссий реакцияларни (ғазаб, кўркув, нафрат) уйғотишдир. Тролл фабрикалари стратегик марказлар томонидан молиялаштирилади ва аниқ сиёсий буюртмалар асосида ишлайди. Улар жамиятдаги заиф нуқталарни (миллий, диний, иқтисодий муаммолар) топиб, шу орқали манипуляция қилади.

Дипфейк (Deepfake): Сунъий интеллект ва нейротармоқлар асосида яратилган, ҳақиқийсидан ажратиш деярли мумкин бўлмаган сохта видео ва аудио материаллар. Сиёсатда дипфейк – бу рақибни обрўсизлантиришнинг энг хавфли усули. Масалан, бирор сиёсатчининг ҳеч қачон гапирмаган гапларини унинг овози ва юз ифодаси билан яратиб тарқатиш мумкин. Бу эса “кўзим билан кўрмагунимча ишонмайман” деган анъанавий ишонч мезонини йўққа чиқариб, жамиятда “эпистемологик инқироз”ни (ҳақиқатнинг нима эканлигини англаб ета олмаслик ҳолати) келтириб чиқаради.

Айниқса, мамлакатларда ўтказилаётган сайловларга таъсир кўрсатиш, уларнинг натижаларини ўзгартириш ва шу билан бирга, бу орқали давлатнинг сиёсий муносабатларига таъсир кўрсатиш авжига чиқди. Сайловлар демократик жараёнларнинг юраги ҳисобланади, дезинформация эса айнан шу юракка зарба беради.

Дезинформациянинг сайловлардаги асосий вазифалари:

Сайловчиларни чалғитиш ва узоқлаштириш: Айрим тоифадаги сайловчиларнинг фаоллигини пасайтириш мақсадида овоз бериш вақти, жойи ёки қоидалари ҳақида ёлғон маълумотлар тарқатилади.

Номзодларни демонизация қилиш: Муайян номзоднинг шахсий ҳаёти, молиявий ҳолати ёки ўтмиши ҳақида уйдирмалар (“қора PR”) ижтимоий тармоқлар орқали мақсадли (таргет) аудиторияга йўналтирилади.

Институтларга ишончни сўндириш: Энг катта хавф – бу муайян номзоднинг ғалабаси эмас, балки умуман сайлов тизимининг ҳалоллигига шубҳа уйғотишдир. “Сайловлар сохталаштирилди”, “Овозлар ўғирланди” каби дезинформацион нарративлар сайловдан аввалроқ тайёрлаб қўйилади ва натижалардан норози қатлам оммавий тартибсизликларга гиж-гижланади.

Бундай ҳаракатлар нафақат давлатнинг ички сиёсий барқарорлигига путур етказди, балки унинг ташқи сиёсий йўналишини (геосиёсий векторини) ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, ташқи кучлар томонидан молиялаштирилган ахборот хуружлари орқали ўзига мойил бўлган сиёсий кучларнинг ҳокимиятга келишига замин яратилади.

Айтиш лозимки, дезинформация бугунги кунда оддий техник муаммодан глобал сиёсий инқирозларнинг катализаторига айланган. “Дипфейк”, ботлар ва троллар армияси жамоатчилик онгини бошқаришнинг арзон, аммо ўта самарали воситаси сифатида давлатларнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Фикримизча, бу муаммони бартараф этиш ва когнитив хавфсизликни (инсон онгини ахборот манипуляциясидан ҳимоя қилиш) таъминлаш учун қуйидаги қадамлар ташланиши зарур:

Қонунчилик базасини такомиллаштириш: Дезинформация ва сунъий интеллект ёрдамида сохта контент яратганлик (айниқса, сиёсий жараёнларда) учун ҳуқуқий жавобгарликни аниқ белгилаш.

Медиясаводхонликни ошириш: Аҳолининг танкидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, маълумотларни фактчек (fact-checking) қилиш кўникмаларини таълим тизимига интеграция қилиш.

Технологик ечимлар: Ижтимоий тармоқ платформалари билан ҳамкорликда сунъий интеллект алгоритмлари ёрдамида ботлар ва дипфейкларни автоматик аниқловчи ва блоклавчи тизимларни жорий этиш.

Халқаро ҳамкорлик: Ахборот хавфсизлиги соҳасида давлатлараро келишувларни ишлаб чиқиш ва киберҳужумларга қарши биргаликда курашиш.

Дезинформацияга қарши кураш жараёнида сўз эркинлиги ва цензура ўртасидаги нозик чэгарани сақлаб қолиш замонавий сиёсий тизимлар олдидаги энг мураккаб, аммо ҳаётий муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, дезинформация бугунги кунда давлат ва жамиятларнинг ҳар томонлама тараққиётига жиддий таъсир этувчи сиёсий технологиялардан бири ҳисобланиб, ҳар бир давлатдан унга қарши тезкор жавоб бериш технологияларини шакллантиришни талаб этади. Зеро, ахборот макони чэгара ва ҳудуд танламас кўринишга эга бўлмоқда. Янги Ўзбекистонда ҳам ахборот маконида маълумотларни сақлаш ва уни қўллаш, кенг жамаотчиликка етказишнинг илғор тажрибалари кенг қўлланиши ҳам бекорга эмас. Ҳар бир мамлакат ўзининг ҳудудий яхлитлигини ҳар қандай хавфлар сақлаш учун ўзи жавобгар бўлиши, ушбу масалани давлат аҳамиятига эга сиёсий масалалардан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Европейский совет добрососедства (ENC). (2022, 30 июня). Yesterday @ENC_Europe & @ KASonline hosted the closed-door policy-talk on #China's & #Russia's #Security engagement in #CentralAsia at @Europarl_EN with MEP @gahler_michael Spokesman for Foreign Affairs & MEP @fulviomartuscie Chair of EU-Central Asia Del. [Tweet]. Twitter. https://twitter.com/ENC_Europe/status/1542472397147742208?s=20&t=WSnrKbDm9eSB7giYXvTUQQ.
2. Yusufi, B. & Yusufi, M. (2022, 7 June). Tajiks Watching Less Russian television, But Its News Still Shapes Public Opinion. Radio Free Europe. <https://www.rferl.org/a/tajikistan-russian-televisionnews-public-opinion/31887824.html>.
3. https://commission.europa.eu/topics/countering-information-manipulation_en
4. <https://www.gesetze-im-internet.de/netzdg/BJNR335210017.html>

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақола ахборотлар ва уларни қўллаш, дезинформациянинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, унинг сиёсий имкониятлари, “таъсирлари” атрофлича сиёсий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: “Дипфейк”, “тролл фабрикаси”, “ботферма”, тарихий ёндашув, ахборот макони, ахборот платформалари.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье научно анализируются информация и ее применение, а также роль и значение дезинформации в международных отношениях. Вместе с тем, проводится всесторонний политический анализ ее политических возможностей и «влияния».

Ключевые слова: «Дипфейк», «фабрика троллей», «бот-ферма», исторический подход, информационное пространство, информационные платформы.

RESUME:

This article provides a scientific analysis of information and its application, as well as the role and significance of disinformation in international relations. At the same time, its political capabilities and "impacts" undergo a comprehensive political analysis..

Keywords: “Deepfake”, “troll factory”, “bot farm”, historical approach, information space, information platforms, nations.